

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВИГА ҚАРШИ КУРАШИШ ШАХСИЙ МАНФААТЛАР КАСБИЙ МАЖБУРИЯТЛАРГА ТАЪСИР ҚИЛМАСИН!

“Ўзметкомбинат” АЖ Марказий Осиёдаги етакчи қора металлургия корхонаси ҳисобланади. 80 йил аввал ташкил этилган Комбинат иқтисодиётнинг стратегик тармоқлари – қурилиш, машинасозлик, энергетика, транспорт ва бошқа кўплаб соҳалар учун асосий металл маҳсулотлари етказиб берувчи ҳисобланади. Комбинат илгор технологиялар ва юқори малакали мутахассислар туфайли инновацияларни қўллаб-кувватлаб, экологик тоза ишлаб чиқаришни таъминлаб мамлакатимиз саноат ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Бугунги глобал жаҳон иқтисодиёти ва рақобатнинг кучайиши шароитида ишлаб чиқаришда ахлоқий меъёрларга риоя қилиш ва манфаатлар түқнашувига қарши курашиш масаласи тобора долзарб бўлиб бормоқда. Манфаатлар түқнашуви ходимнинг бевосита ёки билвосита шахсий манфаатдорлиги унинг ўз лавозим ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган вазият. Шуни тушуниш керакки, манфаатлар түқнашуви ҳар доим ҳам қонуннинг бузилиши ёки жиноят эмас, лекин бу компаниянинг обрўсига путур етказиши ва ҳамкорлари ҳамда жамият томонидан унга бўлган ишончнинг йўқотилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган хавфдир.

Жорий йилнинг 5-июнь куни Ўзбекистонда давлат ва хусусий тадбиркорлик субъектларида, жумладан, биз каби йирик компанияларда юзага келадиган манфаатлар түқнашувини тартибга солишнинг хуқуқий ва ташкилий асосларини белгилаб берувчи “Манфаатлар түқнашуви тўғрисида”ги қонун кучга кирди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши коррупцияга қарши курашиш сиёсатини кучайтириш, тадбиркорлик фаолиятининг шаффофлигини оширишда муҳим қадам бўлди.

Қонун манфаатлар түқнашувининг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин бўлган омилларни йўқотишга ҳамда уни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш механизmlарини яратиш мақсадида ишлаб чиқилган. Қонунга мувофиқ, ҳар бир ходим корпоратив ва касбий андозаларга риоя қилиши, шахсий манфаатларининг ўз касбий мажбуриятларига таъсир этишига йўл қўймасдан, фақат компания манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиши шарт.

“Ўзметкомбинат” АЖ ўз фаолиятида ҳалоллик тамойилларига қатъий амал қилиб келган ва янги қонун келгуси тараққиётимизда биз таянадиган муҳим дастуриламалдир. У манфаатлар түқнашувини аниқлаш, олдини олиш ва тартибга солишнинг хуқуқий асосини таъминлайди ва қуидаги асосий қоидаларни ўз ичига олади:

- эҳтимолий хавфларни баҳолаш. Компания учун манфаатлар түқнашуви туфайли юзага келиши мумкин бўлган таҳдидларни тезда аниқлаш ва тартибга солиш муҳимдир. Бу ходим ўз қариндошлари ёки дўстларига фойда келтириши мумкин бўлган қарор қабул қиладиган ҳолатларни ўз ичига олиши мумкин;

- назорат тизимини яратиш. Қонунда манфаатлар түқнашуви ҳолатларини назорат қилиш тизимини мажбурий жорий этиш белгиланган. Бу меъёрий ҳужжатларга риоя қилишини таъминлаш учун мунтазам аудитлар, иш фаолиятини мониторинг қилиш ва ходимларнинг иш фаолиятини текширишни ўз ичига олиши мумкин;

- таълим ва саводхонлик. Компания ходимлари ахлоқ қоидалари ва манфаатлар түқнашувининг олдини олиш бўйича мажбурий ўқув машғулотларида қатнашадилар. Бу уларнинг манфаатлар түқнашуви ҳолатларидан хабардорлигини оширади ва уларнинг олдини олиш кўнилмаларини шакллантиради;

- хабар бериш тартиби. Қонуннинг энг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, ҳар бир ходим манфаатлар түқнашуви юзага келиши мумкин бўлган вазият ҳақида раҳбариятни ўз вақтида хабардор қилиши шарт. Бу компания ва ходимга салбий оқибатларнинг олдини олиб, вазиятни тезда кўриб чиқиш ва уни тартибга солиш имконини беради;

- қонунни бузганлик учун жавобгарлик. Қонунда манфаатлар түқнашувининг олдини олиш бўйича чора-тадбирларга риоя қилмаганлик учун жавобгарлик ҳам назарда

тутилган. Бу эса интизомий жазо чораларини, айрим ҳолларда маъмурий ёки ҳатто жиноий оқибатларни ҳам назарда тутади.

Биз бутун Жамиятнинг обрўси ва муваффақияти ҳар бир ходимга боғлиқлигини яхши биламиз. Шунинг учун ҳар бир металлург, мухандис, раҳбар ва мутахассис “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги қонунга риоя қилиши муҳимлигини тушуниши керак. Амалга оширилаётган чора-тадбирлар ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва корпоратив қадриятларни мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, комбинатнинг барча ходимларини ҳалоллик ва шаффофлик маданиятини шакллантириш жараёнида фаол иштирок этишга чақираман.

Хурматли металлурглар!

Агар сиз манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган вазиятга дуч келсангиз, илтимос, раҳбариятни бундан хабардор қилинг! Замонавий компанияда ҳар бир ходим ўз ҳаракатларининг муҳимлигини ва унинг ҳаракатлари барчанинг обрўси ва иқболига таъсир кўрсатишини яхши тушунади. Корхонамизда ҳалоллик ва шаффофликни таъминлашга қўшган ҳиссангиз “Ўзметкомбинат” АЖ ва бутун мамлакатимиз порлок келажагига қўшган ҳиссангиздир.

Т.А.БУДЕЙ.

“Ўзметкомбинат” АЖ Бошқарув Раисининг молия-иқтисодиёт ва трансформация бўйича биринчи ўринбосари